

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

Б. Мамалатилов

**НАММПИ АСПИРАНТУРА БЎЛИМИ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ОЛИБ
БОРИШНИ АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН ТИЗИМИНИ ЯРАТИШ**

Ихтисослик **5140900** – Касб таълими “Информатика ва
ахборот технологиялари” бакалавр даражасини олиш учун

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

«Иш кўриб чиқилди, ҳимояга қўйилди»

«Информатика ва ахборот
технологиялари» кафедраси мудири
техника фанлари номзоди
доцент . **О. Жакбаров**

Илмий раҳбар
Техника фанлари
номзоди,
доцент. **Б.Эргашев**

“ _____ ” _____ 2010 й.

Наманган – 2010

МУНДАРИЖА:

Кириш.....	
I. Асосий қисм	
1.1. Автоматлаштирилган тизимларни яратиш ҳолатини таҳлили.....	
1.2. Масаланинг қўйилиши ва унинг амалий аҳамияти	
1.3. НамМПИ аспирантура бўлими вазифалари, функциялари ва фаолият турлари.....	
1.4. Автоматлаштирилган тизим дастурий таъминотининг архитектураси.....	
1.5. Тизимдаги маълумотлар базасининг структураси.....	
1.6. Автоматлаштирилган тизимни яратишда фойдаланиладиган дастурий таъминотлар ва ҳисоблаш техникаси воситалари.....	
1.7. Автоматлаштирилган тизимдан фойдаланиш йўриқномаси.....	
1.8. Автоматлаштирилган тизимдан фойдаланишнинг иқтисодий самаралари ва тизим таннари.....	
II. Методик қисм	
2.1. КХК ўқув жараёнида қўлланилаётган ЯПТлар таҳлили.....	
2.2. Амалий дарсларни ЯПТ асосида ўтказиш учун дарс сценарийси.....	
III. Ҳаёт фаолияти ҳавфсизлиги қисми.....	
3.1. Автоматлаштирилган тизим яратиш хоналарида меҳнат муҳофазаси қоидаларини ишлаб чиқиш.....	
Хулоса	
Фойдаланилган адабиётлар	
Илова	

Аннотация

Ушбу БМИда автоматлаштирилган дастур таъминоти замонавий дастурлаш тилларидан бири бўлган **Delphi7** да яратилган бўлиб, қуйидаги масалаларни ҳал қилган базага маълумотларни киритиш, базадан керакли бўлган аспирант ҳақидаги маълумотларни қидириб топиш бунда аспирантнинг фамилияси ва исми, илмий раҳбарнинг фамилияси ва исми, аспирантнинг мутахассислиги, аспирантнинг туғилган жойи (вилоят, туман, шаҳар), аспирантурага кирган сана бўйича қидириш имкониятлари мавжудлиги, таҳрирлаш, яъни киритилган маълумотларга ўзгартиришлар киритиш имконияти мавжудлиги, ҳисобот тайёрлаш, керакли бўлган аспирант ҳақидаги маълумотлар Microsoft Word матн муҳарририга ўтказиб чоп этиш, мониторинг хизмати, бунда бирон бир илмий раҳбарнинг аспирантлари сони ва уларнинг рўйхати экранда намоён бўлиши ва ҳакозолар.

*Илм-зиё салоҳияти бу халқнинг,
Ватаннинг улкан бойлиги,
келажак пойдеворидир*
ИСЛОМ КАРИМОВ

Кириш

Инсоннинг тажриба фаолиятида катта ўринни информация алмашинуви эгаллайди. Аниқланишича, информация ҳажми ишлаб чиқариш ҳажмининг квадрати миқдорида ўсиб бормоқда. Информацион жараёнлар инсонларнинг меҳнат фаолиятига иқтисодиёт, техника, фан ва технология, медицина ҳамда социал таъминот каби кўринишларда кириб келмоқда. Информация ва маълумотлар осон фойдаланиш мумкин бўлган муҳим ресурс сифатида қаралади.

Информацияни берилган муҳитда маҳсус воситаларсиз қайта ишлаш мураккаб жараёндир. Информацияни қайта ишлаш учун энг қулай восита компьютердир. Афсуски, информацияни катта қисми хали компьютерлаштирилмаган. Компьютер ёрдамида нафақат матнларни, балки, чизмаларни, фотосуръатларни, товуш тўлқинлари ва бошқа шунга ўхшашларни сақлаш ва қайта ишлаш мумкин. Бундай имконият қоғоздан фойдаланмай информацияни қайта ишлаш имкониятидир.

Маълумотларни қайта ишлаш усулларида бири маълумотлар базаси ва банкидир. Буни автоматлаштирилган тизимларни янги босқичи сифатида кўриш мумкин.

Маълумотлар базаси ва банки ҳар хил даражадаги ва турдаги автоматлаштирилган тизимларни асосий бир компонентаси ҳисобланади. Улар халқ ҳўжалигининг кўп соҳаларида қўлланилади, масалан, режалаштиришда, ташкилотни бошқаришда, бухгалтерия, соғлиқни сақлаш ва бошқаларда.

Автоматлаштиришда асосий ролни компьютер билан бир вақтда алгоритм ва дастурий таъминот ҳам ўйнайди.

Ҳаммага маълумки, ҳозирги даврда инсон фаолиятининг ҳар бир соҳасида инфор­мацион технологиялар ёрдамида инфор­мацияни сақлаш, қайта ишлаш катта ўрин тут­ади. Бундай ишларнинг автоматлаштиришнинг замонавий воситаси компьютерлар, мах­сус дастурий пакетлар ҳисобланади. Кейинги йилларда давлатимиз то­монидан инфор­мацион технологияларни ривожлантириш ҳамда аҳоли иш жой­ларига тадбиқ этиш тўғрисида турли хил қарор ва қонунлар ишлаб чиқил­моқда (Ўзбекистон Республикаси Ва­зирлар Ма­ка­масининг 06.06.2002 йилдаги № 200 сонли қорори).

Ҳозирги кунда компьютер техно­логияси ва дастурий таъминотга бўлган эҳтиёж ниҳоятда юқори ўринларда туради. Ҳар хил соҳаларни автоматлаштиришган тизимлари ва дастурий пакетлари ишлаб чиқил­моқда.

Шуларни ҳисобга олган ҳолда, Наманган муҳандислик-педагогика ин­сти­тути (НамМПИ) да ҳам ҳар бир бў­лимларни автоматлаштириш ишлари олиб борил­моқда.

Бу битирув - малакавий иш НамМПИ «Аспирантура» бўлими ҳуж­жатларини олиб боришни автоматлаштирилган тизимини яратишга бағишланган.

У қуйидаги қисмлардан иборат:

- кириш;
- асосий қисм;
- ҳаёт фаолияти ҳавфсизлиги қисми;
- хулоса;
- фойдаланилган адабиётлар;
- иловалар.

Кириш қисмида автоматлаштирилган инфор­мацион тизимлар ва компьютерларнинг замонавий ҳаётдаги ўрни ҳақида маълумотлар келтирилган.

Асосий қисмда илмий тадқиқот бўлими ҳақидаги маълумотлар, аспирантура бўлими ҳақидаги маълумотлар, «Аспирантура» бўлими маълумотлар базаси, масаланинг қўйилиши ва алгоритмлари, «ЧаирАсп» дастури ҳақида маълумотлар, фойдаланувчига ва дастурчига қўлланмалар келтирилган.

Ҳаёт фаолияти ҳавфсизлиги қисмида дастурчи иши учун шартлар, санитар-гигиеник, ёнғин ҳавфсизлиги, иш жойини эргономик шартларни ҳисобга олган ҳолда ташкил қилиш ҳақида маълумотлар келтирилган.

Фойдаланилган адабиётлар қисмида шу битирув-малакавий ишни тайёрлаш давомида фойдаланилган адабиётлар, фойдаланилган веб-сайтлар рўйхатлари келтирилган. Иловалар қисмида «ЧаирАсп» дастури кодлари келтирилган.

1.1. Илмий-тадқиқот бўлими хақида

Илмий-тадқиқот ишлари олий таълим муассасаларида юқори малакали мутахассисларни тайёрлашда асосий ўрин тутлади. Наманган муҳандислик-педагогика институтида илмий-тадқиқотларни олиб бориш, илмий – техник маҳсулотларни ишлаб чиқиш ва тадбиқ қилиш мақсадида илмий-тадқиқот бўлими ташкил қилинган.

Илмий-тадқиқот бўлими (ИТБ) хўжалик фаолиятини ўз-ўзини молиялаштириш принципида Ўзбекистон Республикаси қонунчилик актлари асосида олиб боради. ИТБ Ўзбекистон Республикаси кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ ҳолда фаолият юритади.

ИТБ институт гербли муҳридан фойдаланган ҳолда бошқа хўжалик субъекти атрибутларини сақлаган ҳолда юридик шахс мақомини олмаган ҳолда иш юритади.

ИТБ институт номидан ихтиёрий ассоциацияга, акционерлик жамиятига мурожаат қилиши, кичик инновацион ва бошқа турдаги корхоналарни ташкил қилиши мумкин.

ИТБ институтнинг илмий-тадқиқот соҳаларини бирлаштирувчи, илмий–тадқиқот лабораториялари, илмий-тадқиқот гуруҳлари ва кафедраларига эга бўлган ягона илмий муассасаси ҳисобланади.

ИТБнинг асосий вазифалари қуйидагилардир:

- фундаментал, қидирувга оид амалий тадқиқотларни бажариш ҳамда фан ва техника устувор йўналишларини ишлаб чиқиш;
- илмий техник даражани ва илмий-тадқиқотларни самаралилигини ошириш, таълим жараёнида илмий-тадқиқот натижаларидан фойдаланиб, мутахассислар тайёрлаш сифатини яхшилаш ишларни амалга ошириш;
- институтнинг техник ва ишлаб чиқариш базасини юксалтириш, институт илмий бўлинмалари ходимларининг малакасини ва маҳорати даражасини оширишни таъминлаш;

- халқаро фирмалар ҳамда олий ўқув юртлири билан илмий-техник ва иқтисодий алоқаларни кенгайтириш ишларини амалга ошириш.

Илмий-тадқиқот бўлимнинг асосий фаолияти қуйидагилар:

- илмий-тадқиқот, лойиҳа, конструкторлик, технологик ишларни;
- юқори малакали мутахассисларни ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлашда ўқиш жараёнини илмий-техник таъминлаш;
- яратилган илмий-техник маҳсулотларни кузатиб бориш учун кадрларни тайёрлаш;
- нашриёт фаолияти;
- илмий ишлар тўпламларини, илмий анжуманлар материалларини нашр қилиш;
- ахборот ва патент хизматлари, семинарлар, мажлислар, кўргазмалар, илмий-техник маҳсулотларини маркетингини ташкил қилиш;
- жамоадаги ходимларни социал-иқтисодий таъминлаш;
- халқаро илмий-техник ва ташқи иқтисодий ҳамкорлик каби ишларни амалга оширади.

1.2. Аспирантура ва докторантура бўлими вазифалари ва функциялари

НамМПИ қошидаги докторантура ва аспирантура бўлими республикада ягона узлуксиз таълим тизимининг таркибий қисми бўлиб, илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлашнинг асосий шакли ҳисобланади.

Докторантура ва аспирантурада ўқиш илмий кадрлар ихтисосликлари номенклатураси (рўйхати)га мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва Технологиялар Маркази томонидан берилган гувоҳномага мос равишда фан тармоқлари ва мутахассисликлари бўйича олиб борилади.

Бу бўлим Ўзбекистон Республикаси Қонунларига, шунингдек, «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»га ҳамда «Узлуксиз таълим тизимида илмий ва илмий педагог кадрлар тайёрлаш тўғрисида»ги Низомга мувофиқ фаолият юритади.

Аспирантурага қабул қилиш Давлат буюртмасига мувофиқ олий ўқув юртини магистратура босқичини тамомлаган, илмий муассасалар ва ташкилотлар томонидан келган талабгорлар танлов асосида қабул қилинадилар. Докторантурага аспирантурани тамомлаб, кейинчалик олийгоҳлар ёки илмий-текшириш институтларида илмий ишлар билан шуғулланаётган талабгорлар танлов асосида қабул қилинади.

Тегишли мутахассисликлар бўйича юқори малакали кадрлар, фан докторлари ва номзодлари ҳамда замонавий илмий тадқиқот базасига эга бўлган кафедралар ўзида аспирантура очиш учун факультет илмий кенгашининг қарори, фан номзодлари тайёрланадиган мутахассисликлар ва шу мутахассисликлар бўйича штатдаги фан докторлари (илмий раҳбарлик қилиш учун рухсати бор фан номзодлари) рўйхати кўрсатилган ҳолда илова қилинади ва барча ҳужжатлар докторантура ва аспирантура бўлимига топширилади.

НамМПИ ректори ҳамда илмий ишлар бўйича проректор докторантура ва аспирантура бўлимининг фаолиятига илмий-методик раҳбарлик ва назорат қиладилар.

Докторантура ва аспирантура бўлими институтнинг Илмий кенгаши қарорига асосан ўз фаолиятини тўхтатади.

Бўлимнинг ташкил қилиниш мақсади ва вазифалари қуйидагича:

- институтда илм-фан равнақи учун олий малакали ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш, фан докторлари ва номзодларини етиштириш;
- фундаментал ва илмий-амалий тадқиқотлар олиб бориш дастурлари ва жорий режаларни факультет ва кафедра жамоалари билан ҳамкорликда ишлаб чиқиш;
- докторантура ва аспирантурага қабул қилишни «Узлуксиз таълим тизимида илмий ва илмий педагогик ходимлар тайёрлаш тўғрисида»ги Низомга ва ЎзР ВМ ҳузуридаги Фан ва технологиялар маркази томонидан берилган гувоҳномага мос равишда Давлат буюртмаси асосида ташкил этиш;
- докторант ва аспирантларнинг диссертация мавзуларини танлашда (давлат буюртмаси, хўжалик шартномаси ва инновацион лойиҳалар бўйича олиб борилаётган илмий йўналишларга мос бўлишлиги) ва илмий раҳбарларни тасдиқлашда иштирок этиш;
- докторант ва аспирантлар учун ижодий учрашувлар, илмий семинарлар ва тренинглар ҳамда ҳимояга чиққан диссертантларнинг тақдимотини ташкил қилиб бориш;
- докторант ва аспирантларни аттестациядан кафедра, факультет ва институт миқёсида ўз вақтида ўтказиш;
- номзодлик имтиҳони сессияларини ташкил этиш ва уни юқори савияда ўтказишни таъминлаш кабилардан иборатдир.

1.2 Масаланинг қўйилиши

НамМПИ аспирантура ва докторантура бўлимининг маълумотлар базасининг дастурий таъминоти қуйидаги функцияларни бажариши керак:


- базага маълумотларни киритиш;
- базадан керакли бўлган аспирант ҳақидаги маълумотларни қидириб топиш. Бунда аспирантнинг фамилияси ва исми, илмий раҳбарнинг фамилияси ва исми, аспирантнинг мутахассислиги, аспирантнинг туғилган жойи (вилояти), аспирантурага кирган сана бўйича қидириш имкониятлари мавжуд бўлиши керак;
- таҳрирлаш, яъни киритилган маълумотларга ўзгартиришлар киритиш имконияти мавжуд бўлиши керак;
- ҳисобот тайёрлаш. Керакли бўлган аспирант ҳақидаги маълумотлар Мисрософт Word матн муҳарририга ўтказиб босмага тайёрланади;
- мониторинг хизмати. Бунда бирон бир илмий раҳбарнинг аспирантлари сони ва уларнинг рўйхати экранда намоён бўлиши керак.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ушбу битирув-малакавий ишда НамМПИдаги аспирантура ва докторантура бўлими иш жойини автоматлаштирилган тизимини Делпъи дастурлаш тилида яратиш асосий мақсад қилиб қўйилган.

2.2. Дастурий таъминот архитектураси

Ҳозирги вақтда инфор­ма­цион те­х­но­ло­гия­лар ҳар бир соҳа­га шид­дат билан ки­риб кел­моқ­да. Шу жум­ла­дан, таъ­лим соҳа­си­ни ҳам чет­лаб ўт­гани йўқ. Наман­ган му­хандис­лик-пе­да­го­гика ин­сти­ту­ти­да бу бо­ра­да бир қатор иш­лар олиб бо­рил­моқ­да. Шу­лар­дан би­ри, аспи­ран­ту­ра ва док­то­ран­ту­ра бў­ли­ми маъ­лу­мот­лар ба­за­си да­сту­рий таъ­ми­но­ти­ни яра­тиш­ди­р. Бу­нга асо­сий са­баб, олий таъ­лим ва­зи­р­ли­гидан ҳар бир олий таъ­лим му­ас­са­са­си­га сў­ро­в­но­ма­лар ке­ла­ди. Ке­л­ган сў­ро­в­но­ма­лар­ни қисқа му­ҳ­лат ичи­да тез ва иш­он­ч­ли тайёр­лаш ке­рак бў­ла­ди. Бу­нда маъ­лу­мот­лар­ни ком­пью­тер­дан фой­да­ла­ниб, қай­та иш­лаш жу­да ҳам қу­лай­ди­р. Бу­нинг учун ке­рак­ли маъ­лу­мот­лар­ни қў­лда ки­ри­тиш эмас, бал­ки, тайёр маъ­лу­мот­лар­ни қай­та иш­ла­ган мақ­сад­га му­во­фиқ­ди­р. Бу­нинг учун ке­рак­ли бў­л­ган маъ­лу­мот­лар ба­за­си ма­в­жуд бў­ли­ши ке­рак.

Ав­то­мат­ла­шти­рил­ган иш жойи (АИЖ) — яку­ний фой­да­ланув­чи­га маъ­лу­мот­лар­ни иш­лаб чи­қиш ва аниқ му­ам­мо­ли соҳа­да бош­қарув ва­зи­фа­ла­ри­ни ав­то­мат­ла­шти­ри­ши таъ­мин­лов­чи ах­борот, да­сту­рий ва тех­ник ре­сур­слар маж­муи си­фа­ти­да на­моён бў­ла­ди. АИЖ­ни та­ш­кил қи­ли­ш­нинг кон­цеп­ту­ал чиз­ма­си 1-расм­да ке­л­ти­рил­ган.




2.2.1-расм. АИЖ та­ш­кил қи­ли­ш­нинг кон­цеп­ту­ал чиз­ма­си.

АИЖ ташкил қилиниши шуни назарда тутадик, ахборотларни жамлаш, сақлаш ва қайта ишлаш бўйича асосий операциялар ҳисоблаш техникасининг зиммасига юкланади. Шуларни ҳисобга олган ҳолда, ушбу дастурий таъминот яратилди.

Бу дастурий таъминот ёрдамида маълумотларни базага киритиб бўлингандан сўнг керакли маълумотларни қидириб топиш, ҳисобот тайёрлаш имкониятлари мавжуд.

Унинг архитектураси 2.2.2 – расмда келтирилган.



2.2.2-расм. Дастурий таъминот архитектураси.

Бу ерда киритиш бўлимида аспирант ҳақидаги керакли маълумотлар, масалан, аспирантнинг исми, фамилияси, отасининг исми, туғилган жойи, илмий раҳбарнинг исми, фамилияси, отасининг исми каби маълумотлар киритилади.

Қидириш бўлимида сўровга кўра аспирантнинг исми, фамилияси, илмий раҳбарнинг исми, фамилияси, аспирантнинг мутахассислиги бўйича, аспирантнинг туғилган жойи (вилоят) бўйича ва аспирантурага кирган сана бўйича қидириш мумкин.

Мониторинг бўлимида ҳар бир илмий раҳбарнинг раҳбарлик қилаётган аспирантлар тўғрисида тўла маълумотлар олиш мумкин.

Ҳисобот бўлимида қидириб топилган аспирант ҳақидаги маълумотларни қоғозга чиқариб олиш имконияти бор.

Аспирантура ва докторантура бўлимининг маълумотлар базаси дастурий таъминоти қуйидаги кетма-кетликда тайёрланади:

- бош шаклни яратиш;
- маълумотларни базага ёзиш шаклини экран кўринишини яратиш;
- маълумотларни ёзиш учун базаларни яратиш. Бунда парадокс дан фойдаланилган;
- сўровлар яратиш;
- таҳрирлаш учун шаклига керакли маълумотларни жойлаш;
- ҳисобот учун маълумотларни тайёрлаш;

Сўровлар қуйидагича яратилди:

- а) аспирантнинг фамилияси ва исми бўйича қидириш сўрови;
- б) илмий раҳбарнинг фамилияси ва исми бўйича қидириш сўрови;
- в) аспирантнинг мутахассислиги бўйича қидириш сўровлари;
- г) аспирантнинг туғилган жойи (вилояти) бўйича қидириш сўровлари;
- д) аспирантнинг аспирантурага ўқишга кирган санаси бўйича қидириш сўровлари;
- е) мониторинг қисми учун сўровларни яратиш.

2.3. Маълумотлар базаси структураси

Аспирантура ва докторантура бўлими маълумотлар базаси дастурий таъминотни дастурлаштиришда бир қанча жадваллардан фойдаланилди. Бу жадвалларни бир бирига боғлашда реляцион маълумотлар базаси моделидан фойдаланилди.

Реляцион маълумотлар базаси модели 1970 йилда Коод томонидан яратилган. Реляцион модель маълумотлар базаси структурасини содалаштириш мақсадида ишлаб чиқилган [13].

Реляцион модель деганда ҳар бир жадвалда бир хил номли майдонларни ташкил қилиб, шу майдонлар ёрдамида бир жадвални иккинчиси билан боғлаш тушунилади.

Аспирантура ва докторантура бўлими маълумотлар базаси дастурий таъминотда фойдаланилган жадваллар қуйидагилар: асос, курс1, мал1, расм, режа.

Бу жадвалларни боғлаш учун ид номли умумий майдон яратилди ва шу майдон бўйича жадваллар ўзаро боғланди.

Бу жадваллар қуйидагича таркибга эга (2.3.1 - жадвал):

2.3.1-жадвал


т/р	Номи	Символ
1	Аспирантнинг: Исми	25
	Фамилияси	20
	Отасининг исми	30
2	Аспирантнинг туғилган санаси	10 (Намуна: кун, ой, йил)
3	Аспирантнинг туғилган жойи:	
	Вилоят	70
	Туман	70
	Қишлоқ	200
4	Аспирантнинг паспорт маълумотлари	

	Серия	2
	Рақамлар	7
	Берилган жой	50
5	Аспирантнинг аспирантурада ўқиш давомидаги яшаш жойи: Вилоят	70
	Туман	70
	Қишлоқ	200
6	Аспирантнинг диплом маълумотлари:	
	Серия	2
	Рақам	10
	ОТМ га ўқишга кирган сана	10
	Мутахассислик номи	70
	Берилган жой	100
	Берилган сана	10
7	Аспирантнинг илмий йўналиши шифр ва номи (намуна: 05.13.05-Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш)	100
Илмий раҳбар ҳақида маълумотлар		
8	Фамилияси	25
	Исми	20
	Отасининг исми	30
9	Илмий даражаси	20
10	Илмий унвони	30
11	Илмий йўналиши: шифр ва номи	100
12	Иш жойи	50
13	Лавозими	30
14	Манзили	200
15	Телефон: уй	10

	иш	10
Аспирантурага қабул қилиниши ҳақидаги маълумот		
16	Имтиёз (атоқли стипендия совриндори)	50
17	Стажёр-тадқиқотчи (қайси ОТМда стажёрликни ўтаган)	100
Шахсий ўқув режа		
18	Факультет (аспирантурага қабул қилинган)	100
19	Кафедра	100
20	Диссертация мавзуси	250
21	Илмий кенгаш тасдиғи	250
22	Тасдиқланган сана	10
23	Баённома номери	4
24	Илмий ишга танланган мавзуни асослаш	250
1 – босқич		
25	Чет тили	15
26	Фалсафа	15
27	Кўшимча Фан	10
28	Кўшимча фан номи	15
29	Назария	100
30	Педагогик тажриба	100
31	Биринчи фан	10
32	Иккинчи фан	10
33	Учинчи фан	10
34	Тажрибалар	100
35	Бажарилган бошқа ишлар (1-босқич ўқиш давомида)	250
2 – босқич		
36	Чет тили	15
37	Фалсафа	15

38	Қўшимча фан	10
39	Қўшимча фан номи	15
40	Назария	100
41	Педагогик тажриба	100
42	Биринчи фан	10
43	Иккинчи фан	10
44	Учинчи фан	10
44	Тажрибалар	100
45	Бажарилган бошқа ишлар (2-босқич ўқиш давомида)	250
3-босқич		
46	Чет тили	15
47	Фалсафа	15
48	Қўшимча фан	10
49	Қўшимча фан номи	15
50	Назария	100
51	Педагогик тажриба	100
52	Биринчи фан	10
53	Иккинчи фан	10
54	Учинчи фан	10
55	Тажрибалар	100
56	Бажарилган бошқа ишлар (3-босқич ўқиш давомида)	250
57	Расм	50

Маълумотлар базаси ҳамда унинг боғланиш структураси 2.3.1 – расмда келтирилган.



2.3.1-рasm. Аспирантура ва докторантура бўлимида маълумотлар базаси дастурий таъминот структураси.

2.4. Замонавий дастурлаш тили Делпъи ҳақида маълумотлар

Ушбу дастурий таъминот объектга мўлжалланган Делпъи 6 дастурлаштириш тилида тузилган.

Делпъи муҳотида кўплаб компоненталар мавжуд бўлиб, уларнинг вазифаси ҳам турличадир. Қўйилган масалани ҳал қилиш учун зарур бўладиган компоненталарни тўғри танлаб олиш жуда муҳимдир. Қўйилган масалани ҳал қилишда қуйидаги компоненталардан фойдаланилди:

- ГруппБох – соҳаларни ажратиш учун хизмат қилади.
- СомбоБох – рўйхатдаги ёзувларни биттасини танлашда қўлланилади.
- Буттон – бирор жараённи амалга оширишда босиладиган тугма.
- БитБтн – махсус вазифали тугма.
- СпеедБуттон - бирор жараённи амалга оширишда сичқонча ёрдамида босиладиган кичик тугма.
- Лабел – бирор маълумотни экранга чиқариш учун хизмат қилади.
- Мемо – маълумотлар тўпламини экранга чиқарувчи махсус ойна.
- РичЭдит - маълумотлар тўпламини экранга чиқарувчи махсус ойна (Мемо дан имконияти кўпроқ).
- ШеллТрееВиев – папкаларни дарахт кўринишида кўрсатувчи махсус ойна.
- ШеллЛистВиев – файлларни кўрсатувчи махсус ойна.
- ПринтДиалог – маълумотларни принтерга чоп этишда қўлланилади.
- СпинЭдит – сонли маълумотларни киритишда қўлланилади.

Дастур формасида юқоридаги компоненталарнинг ҳар биридан бир нечтадан бўлиши мумкин. Ҳар бири учун ўз вазифасига кўра қисм дастур яратилади.

Қисм дастурлар ўз навбатида операторлар, яъни буйруқлар кетма-кетлигидан иборат бўлади. Қуйида Делпъи муҳотида қўлланиладиган асосий операторлар билан танишамиз.

- Бошлаш оператори

Бегин

- Тамомлаш оператори

Энд

- Шартлар

иф *C* *тъен* *C1* *элсе* *C2*;

бу ерда *C*-мантикий ифода;

C1–*C* матикий ифода рост қиймат қабул қилганда ишловчи оператор.

C2-*C* матикий ифода ёлгон қиймат қабул қилганда ишловчи оператор.

- Параметрли такрорлаш оператори (*Фор*).

Операторни қуйидаги кўринишдаги ҳоли амалда кўпроқ ишлатилади:

фор *k*:= *k1* *то* *k2* *до* *C*;

бу ерда *фор*(учун), *то*(гача), *до*(бажармоқ) - хизматчи сўзлари;

k - цикл параметри (ҳақиқий типли бўлиши мумкин эмас);

k1 - цикл параметрининг бошланғич қиймати;

k2 - цикл параметрининг охири қиймати;

C - цикл танаси.

- Репеат такрорлаш (цикл) оператори.

репеат *C1*; *C2*; ... *CN* *унтил* *B*;

бу ерда *репеат* (такрорламоқ), *унтил* (гача) - хизматчи сўзлар;

C1, C2, ..., CN лар эса цикл танасини ташкил этувчи операторлар;

B - циклдан чиқиш шарти (мантикий ифода).

- Въиле такрорлаш (цикл) оператори

въиле *B* *до* *C*;

бу ерда *въиле* (ҳозир), *до* (бажармоқ) - хизматчи сўзлари;

B - циклдан чиқишни ифодаловчи мантикий ифода;

C - циклининг танасини ташкил этувчи оператор.

- Вариант танлаш оператори

<вариант танлаш оператори>:= *сасе* <оператор селектори>

оф <вариант рўйхатининг ҳадлари> *энд*;

- Функциялар ва процедуралар

Пос(Субстр: стринг; С: стринг): Интегер;

Вазифаси: *Субстр* сатри *С* сатридан изланади. Агарда изланган сатр топилмаса натижа нолга тенг бўлади.

Ленгтъ(С: Стринг):Интегер;

Вазифаси: *С* сатрли ўзгарувчидаги белгилар сонини аниқлайди.

Сопй(С; Индекс, Соунт: Интегер): стринг;

Вазифаси: *С* сатрли ўзгарувчидаги *Индекс* - белги *Соунт* та белгидан нусха олиш.

Трим(С: Стринг): Стринг;

Вазифаси: Сатрли ўзгарувчида бўш жойларни йўқотиш.

Слосе;

Вазифаси: Дастур ишини якунлаш (чиқиш).

Эхит;

Вазифаси: Процедурадан чиқиш.

ГетДривеТйпе(К);

Вазифаси: Диск турини аниқлаш.

ГетКейбоардТйпе(Флаг);

Вазифаси: Клавиатура турини аниқлаш.

АссигнПрн(Прн);

Вазифаси: Файлга йўл кўрсатиш.

Реврите(Прн);

Вазифаси: Файлга ёзишга тайёрлаш.

врителн(Прн, Стр);

Вазифаси: Файлга маълумот ёзиш.

СлосеФиле(Прн);

Вазифаси: Файлни беркитиш.

ШФорматДриве(ъандле, дрвТоФормат, ШФД_САПАСИТЙ_ДЭФАУЛТ, ШФД_ФОРМАТ_ЫУИСК);

Вазифаси: Кўрсатилган дискни форматлаш.

ГетЪДДИнфо(стр_диск,стр_волуме,стр_сйс,сер_но,мах_сом,сйс_флаг);

Вазифаси: Кўрсатилган диск ҳақида маълумот олиш.

Бу дастурий таъминот меъёрада ишлаши учун асосий файл ёнида бaсе ҳамда Пистурес номли каталоглар бўлиши шарт. Бундан ташқари БДЭ Администратор мавжуд бўлиши шарт. Чунки, базалар бaсе каталогида расмлар эса Пистурес каталогида сақланади, БДЭ Администратор эса базаларга мурожаатни таъминлаб туради.

Маълумотлар базасида асосан базага маълумотларни киритиш, маълумотларни қидириш, натижаларни Мисрософт Ворд матн муҳарририга ўтказиш ҳамда мониторинг модуллари дир.

Маълумотларни базага киритиш модулида докторант ёки аспирант, унинг илмий раҳбари, яшаш манзили, ўқиш давомидаги ишлари, илмий иш мавзуси ва унинг тавсифлари ҳақидаги маълумотлар киритилади.

Маълумотларни қидириш модулида докторант ёки аспирант ҳақидаги керакли маълумотлар қидириб топилади.

Мониторинг модулида илмий раҳбарнинг аспирантлари ёки докторантлари сони ва улар ҳақидаги тўла маълумотларни аниқлаш имкониятлари мавжуд.


2.6. Яратилган дастурий таъминотдан фойдаланиш йўриқномаси

Аспирантура ва докторантура бўлими маълумотлари базаси дастурий таъминоти, компьютер технологияларининг мунтазам равишда такомиллашуви ҳар бир соҳага ўз таъсирини кўрсатмоқда. Ҳар бир соҳага назар ташлайдиган бўлсак, ҳозирги кунга келиб деярли ҳамма соҳада автоматлаштириш, компьютерлаштириш жараёнлари амалга оширилиб борилмоқда. Шу жумладан ўқув жараёнларининг автоматлаштириш жараёнларига ҳам ўз таъсирини кўрсатиб келмоқда.

Шулардан бири Наманган муҳандислик-педагогика институти Аспирантура ва докторантура бўлими маълумотлари базасидир.

Қуйида тузилган маълумотлар базасининг таснифлари келтирилган.

И. Аспирантура ва докторантура бўлими маълумотлари базаси объектга мўлжалланган Делпъи 6 дастурлаштириш тили ёрдамида тузилган бўлиб, унинг асосий кўриниши 2.6.1- расмда келтирилган.



2.6.1-расм. Аспирантура ва докторантура бўлими маълумотлари базаси дастурининг асосий кўриниши.

Бу кўриниш дастурни ишга туширилиши билан экранда намоён бўлади. Бунда, авваламбор, аспирант ҳақидаги маълумотларни базадан қидириш тизимси ишга тайёр ҳолда туради. Бу дарчада:

- аспирантнинг исми, шарифи;
- аспирант илмий раҳбарининг исми, шарифи;
- аспирантнинг мутахассислиги;
- аспирантнинг туғилган жойи (вилоят);
- аспирантнинг аспирантурага ўқишга кирган санаси бўйича

қидириш имкониятлари мавжуд.

Шулардан керакли йўналиш танланади. Масалан:

1. Аспирантнинг фамилияси ва исми бўйича йўналиши танланганидан сўнг ўнг томонда 2 та бўш майдонлар пайдо бўлади. Шу майдонга аввал аспирантнинг фамилияси, иккинчи майдонга эса исми киритилади. Ўидириш тугмаси ёки Энтер тугмачаси босилади (2.6.2-расм).

NMPI Aspirantura va Doktorantura Bo'limi Ma'lumotlari Bazasi

Fayl Kiritish Monitoring Yordam

Aspirant haqidagi kerakli ma'lumotni qidirish

Ismi sharifi bo'yicha

Ilmiy rahbar bo'yicha

Mutahassislik bo'yicha

Viloyati bo'yicha

Aspiranturaga kirgan sana bo'yicha

08.04.2009 19:05:18

2.4.2.-расм. Аспирантнинг исми, шарифи бўйича қидириш.

2. Аспирант илмий раҳбарининг фамилияси ва исми бўйича йўналиши танланса, ўнг томонда 2 та майдон пайдо бўлади. Биринчи майдонга илмий раҳбар фамилияси, иккинчи майдонга эса исми киритилади. Ёидириш тугмаси ёки Энтер тугмачаси босилади (2.6.3.-расм).

NMPI Aspirantura va Doktorantura Bo'limi Ma'lumotlari Bazasi

Fayl Kiritish Monitoring Yordam

Aspirant haqidagi kerakli ma'lumotni qidirish

Ismi sharifi bo'yicha

Ilmiy rahbar bo'yicha

Mutahassislik bo'yicha

Viloyati bo'yicha

Aspiranturaga kirgan sana bo'yicha

Familiyasi: Alimov

Ismi: Ismoildjan


Qidirish

08.04.2009 19:08:39


Chiqish

2.6.3-расм. Аспирант илмий раҳбарининг исми, фамилияси бўйича қидириш.

3. Аспирантнинг мутахассислиги бўйича йўналиши танлангандан сўнг, ўнг томонда танлаш имконияти мавжуд бўлган майдони пайдо бўлади. Шу майдондан керакли бўлган мутахассислик танланади. Танланадиган мутахассисликларни ичида майдон узунлигидан кўра узунроқ бўлганлари ҳам мавжуд. Буларни тўла ўқиб олиш учун майдон ёнидаги тугмача босилади. Экранда дарча пайдо бўлади, шу дарчадаги танлаш имконияти мавжуд бўлган майдондан керакли бўлган мутахассислик номи танлаб олинади ва Юклаш тугмаси босилади. Шунда дарча майдонидаги маълумот асосий майдонга ўтади. Сўнгра Ёидириш тугмаси ёки Энтер тугмачаси босилади (2.6.4, 2.6.5 - расмлар).




2.6.4-расм. Аспирантнинг мутахассислиги бўйича қидириш.




2.6.5 – расм. Керакли мутахассисликни танлаш дарчаси.

4. Аспирантнинг туғилган жойи бўйича йўналиши танланса, ўнг томонда танлаш имкониятини берадиган майдони пайдо бўлади. Шу майдондаги берилган вилоятлардан кераклиги танлаб олинади. Кейин Ёидириш тугмаси ёки Энтер тугмачаси босилади (2.6.6-расм).




2.6.6-расм. Аспирантнинг туғилган жойи бўйича қидириш.

5. Аспирантнинг аспирантурага қабул қилинган санаси бўйича йўналиши танланса, ўнг томонда майдон пайдо бўлади. Ўша майдонга аспирантнинг аспирантурага қабул қилинган санаси киритилади ва Ёидириш тугмаси ёки Энтер тугмачаси босилади (2.6.7-расм).



2.6.7-расм. Аспирантнинг аспирантурага қабул қилинган санаси бўйича қидириш.

Керакли қидирув йўналиши танлангандан ва Ёидириш тугмачаси ёки Энтёр тугмаси босилганидан кейин экранда қидирилатган аспирант хақидаги маълумотлар пайдо бўлади (2.6.8-расм).



2.6.8-расм. Қидирув натижалари дарчаси

Бунда аспирант хақидаги куйидаги маълумотлар экранингизда намоён бўлади:


- фамилияси;
- исми;
- отасини исми;
- туғилган санаси;
- илмий раҳбарнинг фамилияси;
- илмий раҳбарнинг исми;
- илмий раҳбарнинг отасини исми;
- илмий раҳбарнинг илмий даражаси;
- илмий раҳбарнинг унвони;
- аспирантнинг илмий йўналиши.

Аспирант хақидаги керакли маълумотларни қоғозга нусха олиш ва таҳрирлаш имкониятлари мавжуд. Қоғозга нусха олиш учун Ёисобот

тугмасини босиш ёки экранда пайдо бўлган қидирув натижаси майдони устида сичқончанинг ўнг тугмаси босилади ва шу ердан Ўйсобот бўлими танланади.

Шундан сўнг аспирант ҳақидаги керакли маълумтолар Мисрософт Ворд дастурида намоён бўлади ҳамда шу дастур ёрдамида қоғозга нусха олиш мумкин.

Аспирант ҳақидаги маълумотларни таҳрирлаш учун экранда пайдо бўлган қидирув натижалари майдони устида сичқончанинг ўнг тугмаси босилади ва Таърирлаш бўлими ёки Таърирлаш тугмаси танланади (2.6.9-расм).



2.6.9 – расм.

Шундан сўнг экранда таҳрирлаш учун дарча пайдо бўлади (2.6.10-расм). Шу майдонларга керакли ўзгартиришлар киритилади ва Ўзгартириш тугмаси босилади.

Aspirantura va doktorantura bo'limi ma'lumotlari

Asosiy ma'lumotlar

Familiyasi : Bozorov
 Ismi : Shavkat
 Sharifi : Alievich
 Jinsi : Erkak
 Tug'ilgan sana : 01.25.1985
 Pasport seriya va nomeri : CH 2154789

Bitirganlik ma'lumotlari

Diplom seriyasi va nomeri : 12145454587
 OTMga kirgan sana : 22.09.2002
 Mutahassislik nomi : Xisoblash matematikasi
 Berilgan joy va sana : Namangan 1.02.2009

Rasm yuklash uchun tugmachani bosing

Ilmiy rahbar haqidagi ma'lumotlar

Familiyasi : Alimov
 Ismi : Ismoiljon
 Sharifi : Alimovich
 Ilmiy darajasi : Professor
 Ilmiy unvoni : T.f.d.
 Ish joyi va lavozimi : Matematika va IT
 Ilmiy yo'nalishi : 10109-Matematik kibernetika
 Manzili : Toshkent sh. Tel: uy 2940417 Ish 2628945

Hozirda yashash joyi

Viloyati : Namangan
 Tumani : Namangan shaxri
 Manzil : Namangan shaxri do'stlik shox ko'chasi 29-uy

Aspiranturaga qabul qilinishi haqida

Imtiyoz :
 Stajyor-Tadqiqotchi :
 Aspiranturaga qabul qilingan sana :
 Shaxsiy o'quv rejasi 1-bosqich 2-bosqich 3-bosqich

Ilmiy yo'nalish

Yo'nalish (Shifr, nomi) : 05.13.01 - Tizimli taxlil, boshqaruv va axborotlar

Kurs : <<<< >>>> O'chirish

Saqlash Chiqish

2.6.10-рasm. Тахрирлаш дарчаси.

Маълумотларни базага киритиш учун дастурнинг асосий ҳолатида Стрл+И ёки менюнинг Киритиш бўлими танланади. Бунда фойдаланувчи дастурга кириш учун паролни киритади.

NMPI Aspirantura va Doktorantura Bo'limi Ma'lumotlari Bazasi

Fayl Kiritish Monitoring Yordam

Aspirant haqidagi kerakli ma'lumotni qidirish

Ismi sharifi bo'yicha
 Ilmiy rahbar bo'yicha
 Mutahassislik bo'yicha
 Viloyati bo'yicha
 Aspiranturaga kirgan sana bo'yicha

Familiyasi
 Ismi

Ma'lumotlarni bazaga yozish da...

Agar siz bazaga ma'lumot kiritishni hohlasangiz kalit so'zni kiriting

Foydalanuvchi : Admin
 Kalit so'z : ***

OK No

08.04.2009 20:06:26

Chiqish

Шундан сўнг экранда маълумотларни киритиш дарчиси пайдо бўлади (2.6.11-расм).

The screenshot shows a web application window titled "Aspirantura va doktorantura bo'limi ma'lumotlari". The form is divided into several sections:

- Asosiy ma'lumotlar:** Fields for Family name (Bozorov), Name (Shavkat), Surname (Alievich), Gender (Erkak), Date of birth (01.25.1985), and Passport number (CH 2154789).
- Bitirganlik ma'lumotlari:** Fields for Diploma serial number (12145454587), Date of graduation (22.09.2002), Specialization (Xisoblash matematikasi), and Date of issuance (1.02.2009).
- Tugilgan joyi:** Fields for Region (Namangan), District (Chust), and Address (Namangan viloyati Chust tumani pansada ko'chasi 12-uy).
- Hozirda yashash joyi:** Fields for Region (Namangan), District (Namangan shaxri), and Address (Namangan shaxri do'stlik shox ko'chasi 29-uy).
- Ilmiy rahbar haqidagi ma'lumotlar:** Fields for Supervisor's Family name (Alimov), Name (Ismoiljon), Surname (Alimovich), Academic degree (Professor), Academic title (T.f.d.), Work place and position (Matematika va IT), and Scientific specialty (10109-Matematik kibernetika).
- Aspiranturaga qabul qilinishi haqida:** Fields for Immatriculation (Imtiyoz), Supervisor (Stajyor-Tadqiqitci), and Date of admission (Aspiranturaga qabul qilingan sana).
- Ilmiy yo'nalish:** Fields for Academic specialty (Yo'nalish) and Shift/Name (Shifr, nomij).

At the bottom, there are buttons for "Shahsiy o'quv rejasini", "1-bosqich", "2-bosqich", and "3-bosqich". There are also navigation buttons: "Kurs", "O'chirish", "Saqlash", and "Chiqish".

2.6.11-расм. Маълумотлари базага киритиш дарчиси.

Бу дарчадан фойдаланиб аспирант ва аспирантнинг илмий раҳбари ҳақидаги маълумотлар базага киритилади. Бундан ташқари бу дарчани қуйи қисмида аспирантнинг «Шаъсий шгув режа»си, «1-босыич», «2- босыич», «3- босыич» бўлимлари бор. (2.6.12, 2.6.13, 2.6.14, 2.6.15 -расмлар).

Shahsiy o'quv reja

Fakultet :

Kafedra :

Dissertatsiya mavzusi :

Ilmiy kengash tasdiqi :

Sana : . . Bayonnoma №:

Ilmiy ishga tanlangan mavzuni asoslash :

07.06.2008 16:46:19

2.6.12-расм. Аспирантнинг шахсий ўқув режаси дарчаси.

Aspirantning birinchi o'quv yili rejasi

Fayl

Nomzodlik imtihonlari

Chet tili :

Falsafa :

O'qiladigan fanlar

1 :

2 :

3 :

Nazariyot

Tajribot

Pedagogik tajriba

Bajariladigan boshqa ishlar

Aspirantning kafedra qarori va ilmiy rahbar tomonidan shahodatlanishi

